O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мини-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

21 ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 33 (139)-сон, 2006 йил 24 август | www.21asr.com

ИҚТИСОДИЁТ

3 Банкларо рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таққослаш натижаларига кўра, «Пахтабанк» тижорат банклари орасида энг юқори кўрсатгичга эришди



ИСЛОҲОТ

4 РКМБ Қашқадарё вилоят филиали томонидан шу йилнинг ўтган даврида 632 та объект 2395024,86 минг сўмга сотилди

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 2007 йили Францияда ҳокимият тепасига аёл сиёсатчи келиши мумкинлиги хусусидаги фикрлар авж олмоқда

Бунёдкорлик саодати

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўтган ўн беш йилнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янги бир ўзгариш олиб кирди, десак муболаға бўлмайди. Биз ўтмишдан ғурурланиб, бугунги кунга шукрона келтириб, келажакка ишонч билан яшаётган халқмиз. Биз бугундан сўз очганда, эртани ўйлайдиган, эртадан гапирганда, кечани унутмайдиган миллатмиз.

■ **Норали ОЧИЛОВ,**
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Биз истиқлол истиқбол ва масъулият эканини яхши биламиз: Ватанга садоқат, юртни янада обод қилиш, бунёдкорлик масъулияти. Истиқлолимизнинг ўн беш йиллик тўйини янги ютуқлар билан кутиб олмоқдамиз. Буларнинг барчасига юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи сабаб эришмоқдамиз.

Бугун Ўзбекистонни том маънодаги қурилишлар майдонига менгзаш мумкин. Қай бир гўшага - шаҳару қишлоққа борманг, янгидан-янги иншоотларга — корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонларга кўзингиз тушади.

Мамлакатимиз пойтахтида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 август куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент катта ҳалқа йўлининг якуний босқичида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Усмон Носир кўчаси Сирғали, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган кўчалар билан кесишадиган йирик чорраҳада қурилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрлик янги йўл Тошкент катта ҳалқа йўлини боғлади.

Замон талаблари асосида қурилган мазкур йўлнинг ҳар икки томонида транспорт воситалари уч қатордан ҳаракатлана олади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми Фарғона водийси вилоятларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўлнинг бунёд этилиши "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Ўш" халқаро автомобиль йўлларини ҳам бир-бири билан туташтирди.

Мамлакатимиз Президенти катта ҳалқа йўлининг 61-километрида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Йўловчилар, транспорт воситалари ва ҳайдовчилар учун яратилган бундай қулайликдан нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки қўшни давлатлардан келадиган меҳмонлар ва транспорт воситалари ҳам баҳраманд бўлишини таъкидлади.

Ислом Каримов Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида ишга тушган улкан транспорт боғламаси билан танишди. Уни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли ташкилотлар ишчи-хизматчилари бунёд этди.

"Йўл лойиҳа бюроси" шўъба корхонаси ва "ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур иншоотнинг эни 30, узунлиги 374, баландлиги эса қарийб 7,5 метрни ташкил этади.

Илгари бу чорраҳада саккиз қатор йўналишда транспорт ҳаракати кесишар, натижада тиғизлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўларди. Эндиликда маҳобатли иншоот усти ва ости орқали транспорт воситалари олти қатордан бемалол, тез ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

- Илгарилари иншоот, ҳатто оддий бир бино қурилишида ҳам одамларга, атроф-муҳитга таъсири инобатга олинмас эди, - деди Юртбошимиз. - Эндиликда мамлакатимизда замонавий техника ва технологиялар ёрдамида йўл ва кўприклар, транспорт боғламалари ва йўл ўтказгичлар қуриш тажрибаси тўла эгалланди. Транспорт қатновини бир зум ҳам тўхтатмай, икки ярим ойда мана шундай улкан иншоотни бунёд этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Сўнгги ўн йил давомида пойтахтимизда транспорт воситалари сони уч баравар кўпайди. Авваламбор, бу ҳам одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, элюртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳолимизнинг турмуш даражасини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тўла таъминлашдир. Транспорт воситаларининг кўпайганига қарамасдан пойтахтимиз кўчаларида машиналарнинг тўпланиб қолишига деярли дуч келмайсиз. Бу ҳам узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимиз самарасидир, деди давлатимиз раҳбари.

Истиқлол байрами арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Саккокий кўчасида бирйўла учта янги ижтимоий объект — 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи, (Журжоний) маҳалла гузари ишга туширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида бунёд этилган оилавий поликлиника 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 50 нафар малакали тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Давоми 2-саҳифада.

Шу йилнинг январь-февраль ойлари давомида республикамизнинг барча минтақаларида "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни" мавзуида давра суҳбатлари ташкил этилиб, тадбирнинг фаол иштирокчилари саралаб олинган ва улар иштирокида 25-26 май кунлари Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа, масъулият" мавзуида ёшлар форуми ўтказилган эди. Форум сўнгида Мустақиллик куни арафасида "Ёш лидерларнинг ёзги мактаби"ни ташкил этишга келишиб олинган эди.

Ёшлар етакчилари O`zLiDeP билан

КЕЧА "ХУМСОН-БУЛОҚ" ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА "ЁШ ЛИДЕРЛАР ЁЗГИ МАКТАБИ"НИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДАН ЁШ СИЁСАТШУНОСЛАР, ННТЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

"Ёш лидерлар ёзги мактаби"ни очишдан кўзланган мақсад, аввало, ёшларимизни жипслаштириш, уларни жамиятда миллат манфаатларига хизмат қиладиган, ижтимоий-сиёсий етук шахс сифатида тарбиялаш, уларни демократик институтлардан бири ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига қизиқтириш, кенгроқ жалб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Партия "Ёшлар қаноти" етакчилари учун ёзги ўқув-семинар машғулотлари Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан тузилган бош битимга асосан ташкил этилди.

"Ёш лидерлар ёзги мактаби"да Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан партия "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда фаоллари бевосита иштирок этмоқдалар.

Мазкур — ўқув-семинар дастури мазмунан кўп йўналишли бўлиб, унда, жумладан, ёш етакчилар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари, республикамизда фаолият юритаётган фуқаролик институтларининг инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари, фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли ҳақида батафсил маълумотларга эга бўладилар.

Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, ёшлар ва сиёсий партиялар ҳақида тўлақонли тушунча оладилар. Машғулотларнинг иштирокчиларига лойиҳа тайёрлаш, стратегик режалаштириш, етакчилик ва жамоани шакллантириш, ресурсларни жалб этиш, ташкилотни самарали бошқариш кўникмаларини ривожлантириш каби долзарб мавзуларда семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси раҳбари Н. Ҳабибуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти масъул ходимлари иштирок этдилар. Тадбирни М.М.Тешабоев кириш сўзи билан очар экан, давлатимизнинг яхлит ва талабга жавоб берадиган ёшлар сиёсатини амалга оширишда, фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида фаол иштирок этадиган ёшларни тарбиялашда партиянинг алоҳида позицияси ва аниқ белгилаб олган йўналишлари борлигини таъкидлади. Бу борада O`zLiDeP ёшлар учун сабот билан, босқичма-босқич ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратиш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини белгилаб бериш учун барча имкониятларни сафарбар этди, деди нотиқ.

Узоқ ва яқин хорижда

Донецк осмонидаги фожиа

«Пулково» авиакомпаниясининг Ту-154 самолёти Донецк яқинида ҳалок бўлганлиги муносабати билан Россия президенти Владимир Путин 24 август, пайшанбани мотам куни деб эълон қилди. Украинада эса кеча аза тутилди.

«Анапа-Санкт-Петербург» йўналишида парвоз қилаётган самолёт ерга қулаб тушиши натижасида бортдаги 160 нафар йўловчи ва экипажнинг 10 аъзоси халок бўлди. Фалокат сабабларини аниқлаш учун Украина-Россия хукумат қўшма комиссияси тузилди. Комиссия ишида иштирок этиш учун Москвадан Донецкка транспорт вазири Игорь Левитин бошчилигидаги делегация келди.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Донецкда тўпланган психологлари марҳумларнинг Санкт-Петербург, Норильск ва Мурманскдан фожиа содир бўлган ҳудудга бирин-кетин етиб келаётган қариндошларига ёрдам кўрсатишга шай туришибди.

ФВВ берган маълумотларига қараганда, бортда бир нечта хорижлик, жумладан, Нидерландия фуқаролари ҳам бўлган.

Қидирув ишларини Украина ва Россиядан келган қутқарувчилар гуруҳи олиб бормоқда. Парчаланиб кетган ҳаво кемасининг «қора қути»лари ҳозирча топилгани йўқ. Шу боис, халокат сабаблари ҳақида хулоса чиқариш имконияти бўлмаяпти.

Яна ядро дастури машмашаси

Эрон олдингидек ўзининг ядро дастури тинчлик мақсадларига қаратилганини таъкидлашдан чарчамаяпти.

АҚШ ядро синовларини тўхтатишга қаратилган ташаббуслар пакетига Эроннинг жавобини синчиклаб ўрганиб чиқишини айтди. Бироқ Вашингтон, агар Техрон ўзига таклиф этилган имтиёзлардан юз ўгирадиган бўлса, Эронга нисбатан иқтисодий санкциялар эълон қилинишига эришажаги ҳақида огоҳлантирди.

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Болтон: «Биз Эроннинг жавобини диққат-эътибор билан ўрганиб чиқамиз, албатта. Бироқ унинг жавоби БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари томонидан тақдим этилган шартларга мувофиқ келмаса, Кенгаш Эронга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иқтисодий санкцияларни муҳокама қилишга киришади. Барди-ю эронликлар ҳамкорлик йўлини танлайдиган бўлишса, у ҳолда, илгари айтиб ўтганимиздек, улар учун Қўшма Штатлар ва қолган бутун дунё билан бошқача муносабатлар имкониятлари очилади», — деб баённот берди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга август ойи охирига қадар уранни бойитиш соҳасидаги ишларни тўхтатиш учун муҳлат берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2006 йил 25 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 24 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 22 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	933,45	1 Миср фунти	214,01	1 Польша злотийси	404,26	10 Жанубий Корея вони	12,84
1 Англия фунт стерлинги	2316,56	1 Исландия кронаси	17,67	1 СДР	1825,54	10 Япония иенаси	106,27
1 Дания кронаси	212,01	1 Канада доллари	1093,02	1 Туркия лираси	847,12	1 Россия рубли	45,93
1 БАА дирҳами	334,34	1 Хитой юани	153,98	1 Швейцария франки	1000,90	1 Украина гривнаси	243,15
1 АҚШ доллари	1227,90	1 Малайзия ринггити	334,76	1 ЕВРО	1581,29		

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Бунёдкорлик саодати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Истиқлол байрами арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Саккокий кўчасида бирйўла учта янги ижтимоий объект — 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи, Журжоний номли маҳалла гузари ишга туширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида бунёд этилган оилавий поликлиника 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 50 нафар малакали тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Дастлабки тиббий ёрдамга мўлжалланган мазкур шифо маскани болалар, катта ёшдагилар, хотин-қизларга алоҳида тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, ихтисосликлар бўйича шифокорлар кабинетларига эга. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Стоматология хонасига ўрнатилган замонавий ускуналар тишни оғриқсиз даволаш имконини беради. Янги рентген аппарати эса плёнка ва реактивларсиз тасвирни тўғридан-тўғри компьютерга кўчиради. Ҳар бир оиланинг тиббий паспорти яратилиб, компьютер хотирасига киритилаётгани аҳоли ва шифокорларни ортиқча ташвишдан қутқаради. Тиббий паспортда хонадон аъзоларининг саломатлиги билан боғлиқ барча маълумотлар қайд этиб борилади.

— Бундай ёруғ ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсад соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўлиқ рўёбга чиқаришдан иборат, — деди Юртбошимиз. — Аммо уларни қуришдан олдин тегишли ҳудудда қанча аҳоли яшашини, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш лозим. Қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож — ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиш жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Президентимиз шифо масканида яратилган шарт-шароит билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, шифокорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди. Айниқса, болалар касалликлари ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

— Ҳудудимизда бир минг 600 га яқин бола яшайди, - деди поликлиника бош врачи

Мунира Шаҳобова. - Уларнинг саломатлиги доимий назоратда. Сўнгги йилларда болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилгани йўқ. Шифокорларимиз бевосита оилаларда иш юритаётгани боис ўтган икки йил мобайнида юқумли касалликлар деярли учрамади.

Президентимиз мазкур замонавий тизим — оилавий поликлиниканинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, оила шифокори оиладаги ижтимоий муҳитдан яхши хабардор бўлиши лозимлигини, хасталикни даволовчи эмас, аввало, касалликнинг олдини олувчи бўлиши кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари янгидан барпо этилган маҳалла гузарини ҳам бориб кўрди. «Маънавият ва маърифат», хотин-қизлар, маҳалла посбони ва участка нозири хоналари, мажлислар залига эга мазкур бино барча зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ўзини-ўзи бошқаришнинг мукаммал тизими сифатида шакллантирилган маҳалла фаолияти бугун ижтимоий турмушимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашган Ислом Каримов маҳалла аҳлининг турмуши билан қизиқди.

Поликлиника яқинида очилган янги спорт мажмуи соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Бу икки иншоот моҳиятан бир мақсад йўлида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари «Турон» якка кураши билан шуғулланаётган болаларнинг кўргазмали чиқишларига юқори баҳо берди.

Мажмуада икки юздан зиёд бола футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, қўл тўпи, енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс каби ўндан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича шароит яратилган.

— Биз бугун 15 йил илгари экилган дарахтнинг ҳосилини кўряпмиз, - деди Президентимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишув сўнгида. — Қайси ишга қўл урмайлик, аввало, халқимизнинг қадр-қийматини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бугун биз эришган ютуқлар, биз амалга оширган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг қудратидан нишонадир.

Ҳа, тинч-осуда ҳаёт кечираётган элга, осойишталик ва барқарорлик мавжуд бўлган юртга байрамлар, бунёдкорлик ярашади.

Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари, байрам кайфияти бунинг ёрқин мисолидир.

ислоҳот

Таълимга сармоя — келажакка пойдевор

Ўз шонли тарихимиз варақларида фан-таълим ва маданият ривожланган даврлар жамиятнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига тўғри келган. Ёки XX асрдаги Осиё айрим халқлари тажрибасини олайлик. Иккинчи жаҳон уруши вайроналаридан чиққан Япония, шунингдек, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда тикланишнинг энг биринчи шарти сифатида асосий эътибор таълимга қаратилган. Бундай эътиборнинг натижаси ўлароқ, бугун биз ушбу мамлакатлар мисли кўрилмаган иқтисодий тараққиётга эришганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йилларданоқ фарзандлар таълим-тарбиясига устувор вазифа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Чунки айнан юртимиз эртаси ҳисобланган ёшларга эътиборгина Ўзбекистонни дунёнинг энг фаровон мамлакатлари қаторига олиб чиқиши, унинг аввалги қудратини қайтариши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, нажот – таълимдан.

Шу боис республикамизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ таълим тизимида кенг миқёсли ислоҳотлар бошланди. "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" жорий этилди. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Президентнинг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Айниқса, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг мазмун-моҳиятини такомиллаштириш сифатини яхшилаш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароит яратиш борасида тарихий воқеа бўлди.

Умуман, дастур асосида 2006 йилда республика бўйича жами 1329 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Шу жумладан, 62 та янги мактаб биносини қуриш, 386 та мактаб биносини капитал реконструкция қилиш, 530 та мактаб биносини капитал ва 344 тасини жорий таъмирлаш ишларининг асосий қисми бажарилган. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси томонидан 207,7 млрд. сўм ажратилган. Жорий йилда умуммиллий дастурга киритилган Фарғона вилоятида жами 128 та, Наманган вилоятида 98 та, Андижон вилоятида 109 та мактабда

қурилиш-таъмирлаш ишлари деярли тугатилиб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

Мактабларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва компьютер хоналарини махсус мебель анжомлари билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида 2006-2007 ўқув йили учун 333 номдаги 23904928 нусха дарсликлар чоп этилиб, жойларга етказилмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу режа кўрсаткичи 16 август ҳолатига 22669074 (95 фоиз)ни ташкил этган. Яна бир нарса. Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев таъкидлашича, дарслик чоп этиш учун буюртма, аввалларидек бўлганидек, монопол нашриётларга эмас, тендерда ғолиб чиққанларга берилмоқда. Хорижий нашриётлар билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таянч мактабларда ташкил этилган тажриба-синов майдончалари негизида 2005-2006 ўқув йили давомида 59 та ўқув фанидан такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурларини тажриба синовдан ўтказишнинг иккинчи босқичи амалга оширилди. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон халқ таълими, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларга бюджетнинг асосий қисмини йўналтирадиган саноқли давлатлардан бири ҳисобланади. Иқтисодчилар тили билан айтганда, сармоя сармоядорга вақти келиб, албатта, катта миқдорда маблағ келтиради. Шу жиҳатдан таълимга маблағ ажратиш – келажакка пойдевор қўйиш, демакдир. Чунки шинам хоналарда мукаммал дастурлар асосида билим олган юрт эртаси – фарзандлар бир кун келиб, Ўзбекистоннинг юз-кўзига айланадилар.

Хулоса қилиб айтганда, барча соҳаларда бўлгани каби бугун халқ таълими тизими ҳам кенг миқёсли ислоҳотлар майдонига айланган. У секинасталик билан жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражага етказилмоқда. Гап фақат чиройли биноларга эга мактаблар қуришда эмас, асосий мақсад бу ердаги таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, унинг сифатини замон талабларига мослашдан иборат. Айни пайтда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади умумий ўрта таълим мактабларида таълим самарадорлигини юксалтириш, ўқувчиларни юқори интеллект соҳиблари қилиб тарбиялашга қаратилган. Бу вазифаларни ҳал этган тақдирдагина биз бош мақсадимиз – обод ва фаровон ҳаёт қуриш учун мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз.

Пойтахтимиздаги "Янги Камолон" маҳалласида O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман кенгашлари, Шайхонтоҳур туман Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. "Аёл ва мустақиллик" мавзуидаги ушбу тадбирда O`zLiDeP Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашлари мутасаддилари, шаҳар адлия бошқармаси ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, тадбиркор аёллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

«Аёл ва мустақиллик»

O`zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси М. Ёқубова давра суҳбатини очаркан, мустақиллик халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида янги саҳифа очганлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг кун тартибидаги асосий мавзу юзасидан республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси Ф. Акбарованинг маърузаси тингланди.

— Халқимиз асрлар мобайнида орзу қилган мустақилликни асраш ва янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, — дея таъкидлади нотиқ. — Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб, Ватан бахт-саодати ва тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилишимиз лозим. Зеро, эрк ва мустақиллик кексаю ёш учун бирдек азиз бўлган буюк неъматдир.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Г. Иномжонова, шаҳар перинитал маркази директори М. Содиқова, тарих фанлари доктори, профессор Д. Бобожонова, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси бўлими мудири Г. Хабибулина ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам тўпланганларда яхши таассурот қолдирди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, бугунги кунда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширмасдан туриб, ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга тўлиқ эришиб бўлмайди. Бинобарин, улар эркин меҳнат қилишлари, иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари учун қулай шарт-шароит яратиш диққат марказида бўлиши лозим.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ишбилармон ўқувчилар армуғони

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Истиқлол — менинг тақдиримда" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Унда партия фаоллари, Тошкент вилоятидаги 78 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, халқ таълими ходимлари ва партия "Ёшлар қаноти" аъзолари иштирок этдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ўтказилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшларнинг бугунги орзу-ўйлари, қизиқишларини ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни халқаро майдонда ва мамлакатимизда рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар, амалга оширилаётган ислоҳотлардан воқиф этиш, партиянинг бугунги кундаги ёшлар сиёсати билан боғлиқ масалаларга бўлган эътиборини кенг жамоатчиликка тушунтиришдан иборат бўлди.

Сўзга чиққанлар бу каби тадбирларни жойларда доимий тарзда ўтказиб туриш лозимлигини таъкидладилар. Анжуманда O`zLiDeP томонидан таъсис этилган "Ишбилармон ўқувчи" анъанавий кўрик-танловининг 2006 йилги Тошкент вилояти босқичи ғолиблари иштирок этиб, тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасидаги ўз ишларини намойиш қилдилар.

Аъзолар сафи кенгаймоқда

ФАРҒОНА. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан, мана бир йилдирки, партия аъзолари, фаоллари, масъул ходимлари, O`zLiDePдан сайланган депутатлар учун ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти, татбиқ этиш мезонлари хусусидаги билим ва кўникмаларни ошириш, мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда.

Навбатдаги семинар Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида бўлиб ўтди. «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарасини оширишда ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг роли» мавзуида ўтказилган ушбу семинар-тренингда 35 нафар фаол қатнашди. Унда партиянинг дастурий вазифалари ҳамда республикамизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда БПТ ва депутатлик гуруҳларининг роли ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда O`zLiDePнинг дастурий вазифалари ва мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватловчи бир қатор фуқаролар партия сафига қабул қилинди.

Бажарилган ишлар сарҳисоби

НАВОИЙ. Партия вилоят кенгашида "Мустақиллик шарофати" деб номланган анжуман ўтказилди. Республикамизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган мазкур тадбирда партия фаоллари, Савдо-саноат палатаси бошқармаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ЁИҲ ҳамда бошқа қатор ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Иштирокчилар вилоятда ўтган йиллар давомида тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ва эришилган ютуқлар юзасидан фикрлар алмашдилар.

Тадбирда вилоят партия кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари А. Холниёзов тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида сўз юритди. Таъкидландики, муаммолардан бири соҳа вакилларининг етарли иқтисодий-ҳуқуқий билимга эга эмаслиги бўлса, иккинчиси баъзи ҳолатларда мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараётганлигидир. Бундай вазиятларда тадбиркорлар ва фермерлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олмаяптилар. Шу боис партия электорати ҳисобланган хусусий сектор вакиллари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кенгашлари ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлимларига ўз вақтида мурожаат этишлари лозим.

Шунингдек, анжуманда вилоятда партия электорати билан ишлаш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий вазифаларни бажаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш ва самарадорлигини ошириш вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА мавжуд бўлган муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор

ИҚТИСОДИЁТ

БАНК ТИЗИМИ

Ишончли ҳамкор, яқин кўмакчи

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎТГАН 15 ЙИЛИ БОШҚА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ БАНК ВА МОЛИЯ ТИЗИМИДА ҲАМ УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ БЎЛДИ

Бугун қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, нисбатан қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда мустақил банк тизимини шакллантиришдек мураккаб вазифа муваффақият билан адо этилди. Ҳозирги пайтда республикамизда Марказий банк ва 30 дан зиёд тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Улар орасида АТ "Пахтабанк"нинг алоҳида ўрни ва нуфузи бор.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr» мухбири

Мамлакатимиздаги энг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланмиш ушбу банкнинг Низом сармояси 2005 йил 31 декабрь ҳолатига 13 млрд. сўмни ташкил этди. Акциядорлари сони эса 77,5 мингтага яқиндир. Уларнинг 20 минг 524 таси юридик мақомга эга. 56 минг 970 та акциядор, жисмоний шахслар ҳам хусусий тадбиркорлардан иборат. Банк акциядорлари "Тошкент" республика фонд биржасининг "А" тоифадаги расмий листингига киритилган. Бу эса унинг энг ишончли акциядорлик банки эканлигидан далолатдир. Мазкур банк фаолиятига доир мана шу мисолларнинг ўзиёқ тизимда ислоҳотларнинг изчил давом эттирилаётганини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги бошқармалари, улар таркибига кирувчи 187 та филиал ҳамда 640 дан зиёд минибанклардан иборат тармоғи барча мулк шаклидаги 132 мингдан ортиқ юридик, 260 минг нафардан ортиқ жисмоний шахслардан иборат мижозларга комплекс хизмат кўрсатаяпти. 2005 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси банклараро рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таққослаш натижаларига кўра, тижорат банклари орасида энг юқори кўрсаткичга мазкур банк эришди.

АТ "Пахтабанк" жамоасининг жорий йилда эришаётган муваффақиятлари ҳам қувонарли бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш, мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш банк бошқаруви ҳамда жойлардаги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг доимий диққат-эътиборидадир. Банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, янги хизмат турларини жорий этиш, минибанклар тармоғини янада кенгайтириш ҳисобига мижозлар сонини кўпайтириш, пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб олиб боришни йўлга қўйиш ва бошқа хизмат турларининг кўпайганлиги натижасида банкнинг жамланма сармояси жорий йилнинг 1 августи ҳолатига 62,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 4,2 млн. сўм кўпдир.

Маълумки, нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш энг замонавий банк хизматлари сирасига киради. Шу боис "Пахтабанк" юридик ва жисмоний шахслар учун ниҳоятда қулай бўлган ушбу хизмат турини ҳар томонлама кенгайтириш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Айни пайтда банк тизимидаги банкоматлар сони 20 тани, терминаллар сони эса 2000 тани ташкил этади. Терминаллар сони 2005 йил 1 августига нисбатан 133 фоиз, пластик карточкалар сони 300 минг 147 тага ёки 2 баробарга кўпайди. Пластик карточкаларга жалб қилинган маблағлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 баробар, мазкур ҳисобварақлардаги қолдиқ миқдори 2 баробар, савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб 3 баробар ўсди.

Бундай натижага ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Буларнинг бари катта меҳнат ва ташкилотчилик самаралари ҳамда банкнинг барча вилоят бошқармалари, унинг филиалларида нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш тизими бўлган DUET дастурининг 4.7.03 версияси орқали пластик карточка хизмат тури самарали ташкил этилганлигининг амалий ифодасидир.

Бундан ташқари, "Пахтабанк" Ягона Умумреспублика процессинг маркази аъзоси эканлиги ҳамда DUET тизими ёрдамида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш борасида хизмат кўрсатаётган банклар билан ўзаро шартнома асосида иш олиб бораётгани ҳамда ягона тарифларга амал қилган ҳолда пластик карточка эгаларига замонавий хизмат кўрсатиб келаётгани туфайли ҳам ана шундай ижобий натижаларга эришаяпти.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ 8073 ТА ЛОЙИҲАСИ МОЛИЯЛАШТИРИЛДИ. БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАРНИНГ ЖАМИ МИКДОРИ 16 МЛРД. 729 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУНДАН 4 МЛРД. 259 МЛН. СЎМИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ РЕСУРСЛАР ҲИСОБИДАНДИР.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳоли ўртасида 1088, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида 1805 марта учрашув ва ошкора мулоқотлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали 131 маротаба пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишнинг афзалликлари, ҳоли турган пул маблағларини пластик карточкаларда сақлашнинг фойдаси тўғрисида чиқишлар қилинди.

"Пахтабанк" шаҳарлар, туман марказлари ва қишлоқ жойларда савдо дўконлари, супермаркетларнинг филиаллари тармоғини кенгайтириш ва уларни халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш, айланма маблағларини тўлдириш учун, шунингдек, қишлоқ жойларда савдони кенг ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, "Пахтабанк" филиаллари томонидан янги ташкил этилган 328 та савдо шохобчасига аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлаш мақсадида айланма маблағларни тўлдириш учун 950,8 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида банк мижозлари ҳисобланган кичик бизнес субъектлари сони 110 минг 366 тага етди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 минг 633 та кўпайди. 2006 йилнинг 1 августигача юртимиз ишбилармонлари ва тадбиркорларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9 млрд. 825,8 сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Амалда эса 12 млрд. 471 млн. сўмлик кредит берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 8073 та лойиҳаси молиялаштирилди. Берилган кредитларнинг жами миқдори 16 млрд. 729 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 4 млрд. 259 млн. сўми бюджетдан ташқари ресурслар ҳисобидандир.

«Пахтабанк» томонидан ўтган олти ойда деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 6 млрд. 765 млн. сўм кредит берилди. Бу кўрсаткич 2005 йилнинг 1 августи ҳолатига нисбатан олинганда 68,5 млн. сўм кўпдир. Ўтган давр мобайнида ажратилган микрокредитлар миқдори ҳам сезиларли ортди. Яъни жорий йилнинг 1 августи ҳолатига кўра берилган микрокредитлар 11 млрд. 238,2 млн. сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 119 фоиз кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2 млрд. 389,5 млн. сўм, Бандлик жамғармаси ҳисобидан 2 млрд. 471 млн. сўм, жами 4 млрд. 860,5 млн. сўм кредит ажратилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича АТ "Пахтабанк" бошқарувининг 2006 йил 12 январда 3/6 сонли қарори қабул қилиниб, уни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Унга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштиришни имтиёзли кредитлаш механизмини ўрнатиш юзасидан вилоятларда қишлоқ хўжалик корхоналари вакиллари иштирокида семинарлар ўтказилиб, банк филиаллари тегишли меъёрий ҳужжатлар, кредит шартномаларининг намунавий нусхалари ҳамда кредитга бўлган талабни аниқлаш учун ишлаб чиқилган бизнес-режа билан таъминланди.

Банкда, шунингдек, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳоли турган пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкнинг ресурс базасини кўпайтириш ҳисобига кредит бериш имкониятларини кенгайтириш юзасидан ҳам фаол ишлар олиб борилди. Хусусан, 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида янги омонатлар жорий этилиб, уларнинг 9 таси жорий қилинди ҳамда амалдаги омонат турлари сони 21 тага етказилди.

Аҳолининг банкдаги омонатларини кафолатлаш бўйича яратиб берилган шарт-шароитни кенг тарғиб қилиш ва мижозларни банк хизматларига янада кенгроқ жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида жорий этилаётган омонатларнинг турлари ва аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими тўғрисида реклама-тарғибот ишлари йўлга қўйилди ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 115 та махсус шохобча очилди ва улар орқали 2006 йилнинг июль ойи давомида аҳолининг 1,4 млрд. сўмлик тўловлари қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, АТ "Пахтабанк" жамоаси белгиланган режаларни барча жабҳалар бўйича зиёдаси билан адо этиб, Истиқлол байрамининг 15 йиллигини салмоқли туҳфалар билан кутиб олмоқда.

Акциядорлик-тижорат
«Пахтабанк»

ўз акциядорлари ва мижозларини, барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!

«Пахтабанк» сиз, азизларга ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 та вилоят бошқармалари, 187 та туман филиаллари ва 640 та минибанклари орқали миллий ҳамда чет эл валюталарида барча замонавий банк хизматларини таклиф этади! Соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Сизларни мижозларимиз орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!

КУТЛОВ

2006 йил 24 август
Пайшанба
33 (139) -сон
www.21asr.com
XXI ASR

ИСЛОҲОТ

ИСЛОҲОТЛАРДАН мақсад - аввало иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир

Халқ бахт-саодати — истиқлол шарофати

НАМАНГАН ШАҲАР ҲОКИМИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ – ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛИ МУҲАММАДЖОН ЮСУПОВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Одилжон ИНОМОВ,
«XXI asr» мухбири



— Муҳаммаджон Мубошерович, юртнинг тараққиёти ҳар жиҳатдан аввало, иқтисодий, ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқ. Шу маънода суҳбатимизни Наманган шаҳрида олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган натижалардан бошласак...

— Фарғона водийсининг сўлим шаҳарларидан бири бўлган Наманган шаҳрида бугунги кунда 416,5 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда туб янгиланиш ва ислоҳотлар жараёни авж олган бир пайтда 20 та йирик саноат корхонаси ҳамда 35 та қўшма корхона фаолият юритаяпти. Истиқлол шарофати билан машинасозлик, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи қатор корхоналарнинг довруғи бугунги кунда чет элларда ҳам яхши маълум. Саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш, замонавий дастгоҳлар сотиб олиш ҳамда энг муҳими — шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш бўйича 2006 йилга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1155,2 миллион сўм, банк кредити ҳисобидан 816,3 миллион сўм, тўғридан-тўғри инвестиция киритиш эвазига 1000,0 миллион сўм сарфланиб, 1148 та иш ўрни яратилди.

Жумладан, шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 45 миллиард 259,3 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 4,9 фоиз, яъни 2 миллиард 113 миллион сўмлик кўпайишига эришилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 36 миллиард 268,2 миллион сўмни ташкил этиб, 6,5 фоиз ўсди. Чакана савдо айланмаси ҳажми 92 миллиард 847,2 миллион сўмни ташкил этди ва ўтган йилдагига нисбатан 25,9 фоиз ортиқ бўлди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми амалдаги нархларда 36,5, маиший хизмат кўрсатиш эса 10,3 фоиз ортди. Биргина ўтган давр мобайнида пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучлари ҳисобига амалдаги нархларда 11 миллиард 323,8 миллион сўмлик иш бажарилди. Бошқача айтганда, бу соҳада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 72,8 фоиз ўсишга эришилди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби шаҳримизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора равнақ топмоқда. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчиликнинг янги шаклларига ўтказиш, акциялар сотиш, умумий қилиб айтганда, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги салмоғини янада ошириш борасида дадил қадамлар қўйилмоқда. Шу боис тадбиркорлик субъектларининг 22 фоизи ишлаб чиқаришда, 50 фоизи савдо ва маиший хизматда, 15 фоизи қурилишда фаолият юритмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган давр мобайнида 4,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 2,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, 4,9 миллиард сўмлик қурилиш-пудрат ишларининг бажарилишига, 9,7 миллиард сўмлик чакана савдо қилинишига эришилди.

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашдир. Бандлик дастури асосида 5247 та янги иш ўрни яратилди. Хотин-қизлар ҳисобига 1061 та, юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар ҳисобига 2368 та, уй меҳнати билан шуғулланувчилар ҳисобига 1763 та иш ўрни очилди.

БУГУН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИ БИРИНЧИ НАВБАТДА АЙНАН МУЛКДОРЛАР СИНФИГА БОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИНИ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.

— Ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида сиёсий партиялар алоҳида ўрин тутади. Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг фаол аъзоси сифатида бу борада нималар дейишингиз мумкин?

— Биз юқорида иқтисодий ислоҳотлар хусусида фикр юритдик. Қайсидир соҳада эришилган муайян ютуқлар дейсизми, олдинга силжишларми, ҳар қалай, барча иқтисодий ўсишлар ва бунёдкорлик ишларида, ҳали ёш бўлса-да, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг ўз ўрни борлигини, ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бундан бир йил аввал Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказилиб, халқимиз ўзининг муносиб вакилларини сайлади. Тўлиқ демократик тамойиллар асосида ўтказилган мазкур сайловда халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашига O`zLiDePдан 15 нафар депутат сайланди ва натижада кенгашда энг йирик фракция вужудга келди. Бундан шуни англаш мумкинки, халқимизда O`zLiDePга ишонч кучли. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, депутатлар фракцияси мана шу масъулиятга яраша кенгаш ишида фаол иштирок этиб, ўз ваколатлари доирасида сайловчиларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда.

Менинг фикримча, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қандай мақсадда тузилгани, унинг мамлакат сиёсий саҳнасига кириб келиши ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмаса керак. Айтмоқчиманки, бугун мамлакатимиз раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларни, умуман жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўлни белгилаб олди. Демак, ўз-ўзидан аёнки, партиямиз мамлакатда сиёсий майдонда фаол иштирок этмоғи лозим. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан энг асосий мақсад, Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдир. Чунки бугун тараққий этган давлатлар тажрибаси ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиши ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги биринчи навбатда айнан мулкдорлар синфига боғлиқ эканлигини исботлаб турибди. Айни пайтда партиямиз сафининг 60 фоизини тадбиркорлар ва фермерлар ташкил этаётганлиги қувончли ҳолдир.

Баъзан "Бу партия фақат мулкдорлар манфаатини ҳимоя қиладими? Агар шундай бўлса, мулксизларни ҳимояси билан ким шуғулланади?" деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Уларга бу партия мулксизларни мулкдор қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг сонини камайтириш тарафдори деб жавоб берсак, ўринли бўлади. Партия мулкдорлар қатламини кенгайтириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали халқ фаровонлигига эришишни ўз олдига дастурий мақсад қилиб қўйган. Партиямиз ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрни борлигини, ҳар бир шахс ўзига муносиб қадр-қимматга эга эканлигини эътироф этади ва шунинг учун курашади. O`zLiDePнинг танлаган йўли ва илгари сураётган ғояси бошқа сиёсий партиялар-никидан айнан шуниси билан фарқ қилади, деб ўйлайман. Биз — партия фаоллари фаровон, ҳуқуқий-демократик, миллий қадриятларга таянган, бозор иқтисодиёти ривожланган жамият қуришда етакчи куч бўлишни ўз зиммамизга олганмиз. Агар халқимизнинг ишончини оқласак ва ғояларимизни ҳаётга татбиқ эта олсак, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни уддалаган ҳисобланамиз.

— Юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар келажак эгаларининг муносиб ҳаёт кечиришлари учун маъмурчилик яратишига қаратилгандир. Шундай экан, бу борада яна қандай масалаларга эътибор қаратиш муҳим деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимизда ҳозир нимаики хайрли ва эзгу-ишлар қилинаётган бўлса, ёшларнинг, ворисларимизнинг эртанги порлоқ келажагини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Бу борада ҳар қанча изланса, ташаббус кўрсатса, камлик қилади. Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан ёшлар масалалари бўйича ўтказилган йиғилишларда ўқув муассасаларида аъло баҳолар билан билим олаётган, жамоат ишларида фаол қатнашаётган, иқтидорли, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба-ёшлар учун беш юз минг сўмдан 10 та, 250 минг сўмдан 20 та грант ажратилиши белгилаб қўйилди.

Шаҳримиз ёшларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ҳаётида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, иш билан таъминлаш ёки бирон-бир ҳунарга жалб этиш мақсадида бир неча бор "Беруний соҳили", Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази ҳамда "Уч заллик" спорт мажмуасида "меҳнат ярмарка"лари уюштирилди. Пировард-натижада бекор юрган ёшлардан 228 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Кейинги пайтда турли халқаро спорт мусобақалари тез-тез ўтказилаётгани бежиз эмас. Боиси, Наманганда спортга қизиқиш ниҳоятда кучли. Бугунги кунда "Паҳлавон", "Ёшлар спорт мажмуаси" каби қатор спорт иншоотлари ёшларимиз билан гавжум. У ёки бу спорт клубларида шуғулланаётган аксарият наманганлик йигит ва қизлар халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Ёшлар ўртасида Қомусимизни кенг тарғиб қилиш мақсадида Конституция хиёбонида "Эрк ва ҳуқуқий кафолат", "Ўзбекистон — азиз Ватаним", "Туркистон — умумий уйимиз" каби турли кеча ва тадбирларни ўтказиб туриш анъанага айланган. Бошқача қилиб айтганда, миллий истиқлолнинг бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ҳар бир ёш ўз ўрнини топиши учун маънавий-маърифий ишлар тобора кучайтирилмоқда.

— Тўйга — тўёна билан, деганларидек, мамлакатимиз истиқлолининг 15 йиллигига Наманган шаҳрида қандай ҳозирлик кўрилмоқда?

— Бугунги кунда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини доимий мувофиқлаштириб бориш мақсадида 53 та ҳудудга йирик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда ҳокимлик вакилларини масъул этиб тайинлаганмиз. Қатор ҳомий ташкилотлар кучи билан 10 дан ортиқ суғориш тизими иншоотлари ва барча ирригация тармоқлари тўлиқ таъмирланди. Айниқса, "Дўстлик", Бобуршоҳ, Амир Темур, Охунбобоев ва Навоий номли кўчаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда амалга оширилди. Айтиш жоизки, шаҳримизда бунёдкорлик ишлари, лоақал бир зум бўлсин, тўхтагани йўқ.

Мамлакатимиз истиқлолининг 15 йиллиги санасига тайёргарлик жараёнида "Болалар" ва Амир Темур хиёбонлари қайтадан таъмирланди. Наманган аэропортида жаҳон андозалари асосида янги "VIP зал" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, шаҳардаги мавжуд барча бозорларда архитектура талабларига жавоб берадиган савдо расталари қурилиб, ён-атрофини ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳарнинг "Уйчи" ва "Беруний соҳили" кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 2,5 миллиард сўмлик ерости кўчалари қурилиши жадал суръатда олиб борилаётир. Ҳозирга қадар мазкур қурилишда 1,3 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Айнан тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати туфайли "Дўстлик" шоҳкўчасида 14 та, Амир Темур ҳамда "Гирвонсой" кўчаларида 10 дан ортиқ замонавий савдо расталари барпо этилмоқда. Шаҳар марказидаги "Спартак" стадиони таъмирланди. "Наманган-Чортоқ" ва "Наманган-Янгиқўрғон" йўналишларида катта ҳажмда таъмирлаш-созлаш ишлари олиб борилаётир. Мустақиллик байрами арафасида шаҳарнинг марказий кўчаларида тадбиркорлар томонидан қурилаётган аҳолига савдо, маиший хизмат, автотранспорт сотиш ва техник хизмат кўрсатиш мажмуаларини фойдаланишга топширилади. Мана шу мақсадлар учун тадбиркорлар ўз ҳисобларидан 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлашмоқда. Хулоса қилиб айтганда, наманганликлар истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйини ҳар соҳада муносиб ютуқлар билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН

БИРЖА ФАОЛИЯТИ

Филиалимиз РКМБнинг ҳудудий савдо майдончаси ҳисобланади. Бизнинг асосий вазифамиз РКМБ томонидан ўтказиладиган ягона марказлашган электрон биржа савдоларида иштирок этиш орқали ҳудуддаги мол-мулкларнинг белгиланган тартибда савдоларга чиқарилишини таъминлаш, битимларни ҳудуднинг ўзида тезкорлик билан расмийлаштириш ва рўйхатга олинганлигини қайд этиш, брокерлар билан ишлаш тизимини кенгайтиришдан иборатдир.

Мақсад — тадбиркорларга қулайлик яратиш

РКМБ Қашқадарё вилоят филиали томонидан шу йилнинг ўтган даврида ишбилармон ва тадбиркорларга 632 та объект 2395024,86 минг сўмга сотилди.

Авлиёқул МАНСУРОВ, РКМБнинг Қашқадарё вилояти филиали директори

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар олдимизга қўяётган талаб шуки, биз тадбиркор ва ишбилармонларга ҳамма жойда, ҳамма соҳада қулайликлар яратиб беришимиз лозим. Ушбу талабдан келиб чиқиб, филиалимиз ҳам кўчмас мулк бозорида қатнашаётган ишбилармон ва тадбиркорларга қатор қулайликлар яратишга ҳаракат қилмоқда. Биринчидан, РКМБ бошқаруви томонидан "РКМБ тизими биржа аъзоларидан биржа фойдасига тўланадиган комиссион тўловлар миқдори тўғрисида" янги тартиб қабул қилиниб, шу йилнинг 1 июлидан кучга киритилди. Яъни эндиликда комиссион тўловлар миқдори анча қисқартирилган. Шунингдек, мижозлардан биржа аъзолари фойдасига олинадиган тўловлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, унинг миқдори ҳам бир неча баробарга камайтирилди.



Кўчмас мулк биржасининг биржа савдоларини ўтказиш тартиблари мукаммаллаштирилди. Бошқача айтганда, биржа аъзолари ва харидорларнинг биржа бюллетенига кирган мулкларга алоқадор керакли маълумотлар билан танишиш имкониятлари кенгайтирилди. Давлат ва нодавлат мулклар билан бўладиган савдо вақтлари аниқ белгилаб қўйилди. Яъни биржа аъзолари барча вилоятнинг маклериатидаги компьютерга ўзининг шахсий пароли ва кодини киритиб, савдода қатнашишлари мумкинлиги таъминланди.

Биржа савдоларини ўтказиш қоидаларида биринчи маротаба биржа аъзоларининг савдо бошланишидан то тугагунга қадар ўзлари хоҳлаган мулкка қизиқиш билдириб, уни сотиб олиш учун юқори нарх таклиф этган ҳолда савдода қатнашишлари мумкин қилиб қўйилди. РКМБ бошқаруви томонидан белгиланаётган барча тадбирлар филиалимиз томонидан ижрога қабул қилиниб, иш фаолиятимизда тўлиқ қўлланилиб келмоқда.

Ҳудудда фаолият юритаётган брокерлик идоралари кўп бўлса, тадбиркорлар учун кўчмас мулк бозоридаги янгиликлар билан танишиш имконияти шунча кенгаяди. Ҳозирги кунда филиалимизда 21 та брокер идораси фаолият кўрсатмоқда, шундан 6 таси ўз фаолиятини жорий йилда бошлади. Йил охиригача брокерлик идоралари сонини 25 тага етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Кўрилаётган мана шу чора-тадбирларнинг барчаси тадбиркорлару ишбилармонларга қулайлик яратишга қаратилган. Бундан кўзланган пировард мақсад, кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириб, жаҳон андозалари даражасига кўтаришдир.

ЭЪЛОН



ЁШ АВЛОД ҚАЛБИГА ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЧУҚУРРОҚ СИНГДИРИШ АСОСИЙ ШИОРИМИЗДИР

ҲАР ҚАНЧА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНМАЙЛИК, БАРИБИР ҲАЛИ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНА ОЛМАЁТГАНИМИЗНИ ТАН ОЛМОҒИМИЗ КЕРАК

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ҒОЯВИЙ МАНФААТЛАРГА ТЎЛИҚ, БИР МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТ ЕР ЮЗИДАГИ ЭНГ ЖОЗИБАЛИ ҲАЁТДИР

Қатъият ва ташаббус — муваффақият гарови

— дейди "Сардоба" маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилоти раиси Усмон АСЛОНОВ

"Сардоба"да бўлиб, одамлар билан суҳбатлашарканмиз, O`zLiDePга нисбатан ишонч ва эътибор ошиб бораётганига ишонч ҳосил қилдик. Буни тушунса бўлади, албатта. Зеро, маҳаллада партиявий-сиёсий ишларни давр талаблари даражасида ташкил этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Энг муҳими, фаоллар орасида турли соҳа ходимлари —ўқитувчилар, муҳандислар, ишчилар, фермер ва тадбиркорлар бор.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Улар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга партиявий-сиёсий соҳада ҳам кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Келажак манфаатлари шуни тақозо этмоқда. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур айтганидек: "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир". Дарҳақиқат, бугунги кунда лоқайд, тадбирсиз кишилардан ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Эзгу ишларнинг ташаббускори бўлиш, ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этмоқда. Баркамол инсонни шакллантириш эса кўп жиҳатдан ғоявий-сиёсий тарбияга боғлиқдир.

— Ҳаётнинг ўзи ғайрат ва ташаббускорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда, — дейди Усмон Аслонов. — Ана шунда партиямизнинг мавқеи ошиб, келажагига бўлган ишонч мустаҳкамланади. Қўрғончамизда 127 нафар фермер бор. Уларни қийнаб турган муаммоларни ҳал этиш борасида Савдо-саноат палатаси Муборак туман филиали билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Мулкдорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, жамият ҳаётида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда жойларда ҳуқуқшунослар, депутатлар, партия фаоллари иштирокида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган давра суҳбатлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. Уларда асосий эътибор халқимизнинг бой ўтмиши ва ёрқин келажагига, шунингдек, сиёсий ҳамда иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги муҳим вазифаларга қаратилмоқда.

Усмон АСЛОНОВ, 1951 йили Муборак туманида туғилган. Қарши давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Айни кунда "Гулистон" фермер хўжалиги раҳбари, "Сардоба" маҳалласи қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси.

Таъкидлаш жоизки, "Сардоба"да аҳоли зич жойлашган. Партия фаоллари шуни назарда тутиб, яшаш учун қулай шарт-шароит яратиш, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда уйда ўтириб қолган аёлларни мавсумий дала ишларига жалб этиш масаласи кўрилди.

— Ҳудудимизда 4300 киши истиқомат қилади, — дея суҳбатга қўшилади "Сардоба" қўрғони фуқаролар йиғини раиси Гулсара Тўраева. — 620 та хонадонда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар тарбиясини яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда 300 нафардан ортиқ ишсиз рўйхатга олинган. Кичик бизнес вакиллари ташаббуси билан бугунгача 100 та янги иш ўрни яратилди. Қўрғонча ҳудудини ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, одамларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган партия фаолларига катта умид боғлаганмиз. Усмон Аслонов ана шулардан биридир. У ўз маҳалладошларининг дарду ташвишларини яхши билади, уларга қўлидан келганича ёрдамлашишга ҳаракат қилади. БМТ тараққиёт дастурига кўра бу йил 4 нафар фермер қишлоққа саноатни олиб кириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича таҳсил олишди. Мақсад — маҳаллий шароитда ўсимлик ёғи тайёрлашни йўлга қўйиш ва иш ўринларини кўпайтиришдир.

ЭРКИН ВА ОЗОД ҲАЁТИМИЗНИ ҚАДРЛАШИМИЗ, ДОИМО ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ЯШАШИМИЗ КЕРАК. АНА ШУНДА ТАРАҚҚИЁТ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШИБ, БАРЧА ЭЗГУ ОРЗУ-ЎЙЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚАВЕРАДИ.

Тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан қўрғончамиз тобора янги қиёфа касб этмоқда. Ҳадемай замонавий тикувчилик цехи иш бошлайди. Партия фаоли, "Азамат" фермер хўжалиги раиси Абдужаббор Ҳайитов аҳоли фаровонлиги йўлида изланаётган фидойи фермерлардан. У жунни қайта ишлашга ихтисослашган цех очиб, кўпчиликни иш билан таъминлади. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Қишлоқ мулкдорлари ташаббуси билан ночор оилалар чорва моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Доноларнинг айтганидек, саховатли инсонларни Яратганнинг ўзи қўлларкан.

Масалан, O`zLiDeP аъзоси, олий маълумотли агроном Нурбек Аслоновни олайлик. Фикри теран, партиянинг дастурий мақсадларини чуқур идрок этади. У яқин йиллар ичида қўрғончада маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхона барпо этиш орзусида. Бу борада партиямизга катта умид боғлаган. Қишлоқ йўллари таъмирталаб бўлиб қолган эди. "Сардоба"лик Абдужаббор Ҳайитов, Рустам Холмўминов, Қўчқор Норқулов каби фермерлар бу хайрли ишга бош қўшишди. Натижада элнинг мушкули осон бўлди. Аҳолини ичимлик сув, табиий газ билан доимий таъминлаш учун ҳам зарур чоралар кўрилмоқда.

— O`zLiDeP ғоялари ва дастурий мақсадларини одамлар онгига етказиш, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш учун ҳали кўп изланишимиз лозим, — дейди Нурбек Аслонов. — Бу замон талабидир. Хўжалигимизда 24 киши ишлайди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ютуқлар салмоғи кўпайиб, даромадимиз ошиб бормоқда. Тасарруфимизда 140 гектар ер бўлиб, шундан 132 гектари суғориладиган майдондир. Жорий йилда 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44 центнердан ғалла ҳосили етиштирилди. 63 гектар ерда ғўза ниҳоллари парвариш қилинмоқда. O`zLiDeP аъзолари — Қаҳрамон Ҳақбердиев, Қиличбек Тошпўлатов, Зиёда Ҳақбердиева, Ўткир Мирзаев, Олим Шарипов бизнинг асосий таянчимиздир. Қўлга киритилаётган ютуқларда уларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Тўғри, фаолиятимиздан тўла қаноат ҳосил қилишга ҳали эрта. Негаки, анча-мунча камчиликларимиз бор хали. Партия хонаси етарли даражада жиҳозланмаган. Сиёсий адабиётлар, кўргазмали қуроллар етишмайди. Партия аъзоси, хоҳ у зиёли, хоҳ оддий ишчи бўлсин, тинимсиз мутолаа қилиб бориши лозим. Партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини чуқурроқ сингдириш асосий шиоримиздир. Билимдон ва ташкилотчи фаолларгина бу ишнинг уддасидан чиқа олади, албатта. Мустақиллик шарофати билан бой тарихимиз, миллий ва диний қадриятларимиз, улуғ аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланди. Бу ҳазилакам гап эмас. Эркин ва озод ҳаётимизни қадрлашимиз, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак. Ана шунда тараққиёт янада жадаллашиб, барча эзгу орзу-ўйларимиз рўёбга чиқаверади.

— Она-Ватан сизу биз яшаб турган хонадондан, маҳалладан бошланади, — дейди БПТ раиси Шавкат Темиров. — Бинобарин, унинг ободлиги, кўрку таровати, озодалиги ўзимизга боғлиқ. Биз ана шу оддий ҳақиқатни, энг аввало, жамоамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хизматчилар онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, партия сафларининг мустаҳкамлиги, аввало, унинг амалий ишлари билан белгиланади.

Бурч масъулияти

Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

Корхонамизда 28 киши меҳнат қилади. Уларнинг 15 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Ишчи-хизматчиларимиздан Субҳон Соҳибов, Анвар Пўлатов, Муҳаббат Шодиева, Бахшулла Ғайбуллаев ҳам партия сафига кириш истагини билдиришган. Бу, бежиз эмас, албатта. Чунки O`zLiDeP ўзининг реал ғоялари, аниқ мақсадлари билан омма орасига кун сайин чуқурроқ кириб бормоқда. Бошланғич ташкилот иш режасида белгиланган тадбирларни намунали ўтказишда фаолларимизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар бизнинг асосий таянчимиздир.

Бошланғич ташкилот фаолияти билан танишар эканмиз, унинг етакчиси ҳам, фаоллари ҳам партия ишига сидқидилдан берилганликларига ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидек нуфузли сиёсий ташкилот аъзоси эканликлари сезилиб туради.

Дид билан безатилган партия хонаси ҳам кишида яхши таассурот қолдиради. Айниқса, O`zLiDeP фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи суратли лавҳалар томошабинда алоҳида қизиқиш уйғотади. Жовонларга турли сиёсий адабиётлар, газета-журналлар, партия Дастури ва Низоми тартиб билан териб қўйилган.

Шавкат ТЕМИРОВ, 1959 йилда Нурота туманида туғилган. Самарқанд молия техникумини битирган. Туман маданият бўлими ҳамда ободонлаштириш бўлимларида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Айни пайтда туман ободонлаштириш бўлими хазиначиси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Нуроталик маслақдошлар жойларда партия ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш билан бирга мустақиллик туфайли нисбатан қисқа даврда мамлакатимизда, жумладан, туманда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритиб, оммани янги марраларга руҳлантиришмоқда. Уларнинг даъваткор сўзлари ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳаллага етиб бораяпти. Жойларда сиёсий фаоллик ошиб, O`zLiDeP тарафдорлари сафи кенгайиб бораётганлиги боиси ҳам ана шунда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ қилиш — фуқаролик жамияти шароитида бевосита демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир. Партия маҳалланинг шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини самарали ҳал этишга қодир бўлган фуқаролик жамиятининг етук тизими эканини ҳисобга олган ҳолда, унинг ҳуқуқи, мақоми ва моддий асосини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

O`zLiDeP дастуридан

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Ватан маҳалладан бошланади

Бектемир туманидаги икки маҳаллада амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол мисолидир

Жамоатчилик дунёқарашининг шаклланишида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин тутади. Ушбу тизим қанчалик ҳаётий кучга эга бўлса, жамият тараққиёт сари юз тутаверади. Пойтахтимизнинг Бектемир тумани маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар йиғинлари қошидаги бошланғич партия ташкилотларининг аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб бораётган ишлари билан танишгач, ана шундай хулосага келдик.

Феруза ЭГАМОВА, Солиҳ ЗОИР (суратлар)

— O'zLiDeP ташкил топган дастлабки пайтлардаёқ, мазкур партия катта куч ва салоҳиятни ўзида жамлашини кўнглим сезганди. Шу боис ҳам биринчилардан бўлиб унинг сафига киришни маъқул топдим, — дейди "Зилола" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тўхтахўжа Эшхўжаев. — Аслида ҳам шундай. O'zLiDeP ўз сафларида жуда катта кучни бирлаштира олди. Буни биз, қуйи ташкилотлар фаоллари кундалик фаолиятимизда кўриб, билиб турибмиз. Айнан ана шу омил бизга куч-қувват, ғайрат бағишлаяпти. Аммо хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар қанча муваффақият қозонмайлик, барибир ҳали ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдалана олмаётганимизни тан олмоғимиз керак.

Тўхтахўжа аканинг ўз ишига танқидий назар билан қараши бизга маъқул бўлди. Аслида тиниб-тинчимас етакчи маҳалла ҳудудида ҳар қанча мақтаса арзигулик ишларни амалга оширмоқда. 3000 дан зиёд аҳоли умргузаронлик қилаётган мазкур маҳаллада, айниқса, ёшларни ватанпарварлик ғоялари руҳида камол топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бошланғич ташкилотнинг партия туман кенгаши билан ҳамкорликда турли мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилаётгани диққатга сазовордир.

— Одамларда лоқайдлик, бепарволик ёки боқибеғамликни кузатсам, тутақиб кетаман, — дея ўз сўзини давом эттирди оқсоқол. — Хизмат тақозоси билан Мозамбикда яшаётган пайтларимда, Ватан тушунчаси нақадар муқаддас ва улуғ эканлигини англашимга ерлик бир ҳабаш сабабчи бўлган эди. Элчихона томон борар эканман, ҳар куни уйлардан бирининг ҳовлисида ҳали гулларга сув қуяётган, ҳали дарахтларга шакл бераётган ёки кўча супураётган бир кишини учратардим. Ҳовлидаги майсалар шу қадар ҳафсала билан текисланган эдики, ҳатто энг моҳир сартарош ҳам бу қадар пухта ишлай олмасди. Кунларнинг бирида унга учраб, хизмати учун қанча ҳақ олишини сўрагани-нимда, «Менинг Ватаним 400 йил давомида португаллар мустамлакаси бўлиб келган. Бугун — юртим озод. Шундай экан, она заминимни қанча севиб, ардоқласам,гуллаб-яшнашига ҳисса қўшсам, тупроғини кўзимга суртсам ҳам камлик қилади». Бунга маошнинг алоқаси йўқ, деган эди.

Ўшанда олис қитъада кузатганим — юртга садоқат, ота маконга меҳр-муҳаббат хотирамга бир умрга муҳрланиб қолди.

Туманнинг "Роҳат" маҳалласига бораётиб, хаёлимизга "Оқсоқол нуроний отахон бўлса керак", деган фикрда эдик. Аммо бу ерда фуқаролар йиғини раиси вазифасида ёшгина аёл фаолият кўрсатаётганининг гувоҳи бўлдик. Опа 50 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг раиси ҳам экан. Айни тушлик пайти бўлишига қарамай, маҳалла идораси одамлар билан гавжум эди. 2000 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган мазкур гўшада ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Бу ишларни амалга оширишда Хадича опага бошланғич ташкилот фаоллари Ҳалима Йўлдошева, Мастура Сулаймонова елиб-югуриб ёрдам беришаяпти.

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОНГИНИ ЮКСАЛТИРИШ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ РУҲИДА КАМОЛ ТОПТИРИШДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛМОҚДА.

— Нимаики қилсак, ўзимиз, жонажон маҳалламиз учун қилаяпмиз. Агар ҳар бир хонадон тинч-тотув, тўкин ҳаёт кечирса, юртимиз янада обод ва файз-баракали бўлади, — дейди Хадича опа.

Маҳалла аҳлининг кўпчилиги зиёли экани боис, бу ердаги ҳаёт қўшни ҳудудларга нисбатан тинч ва осойишта. Яна бир нарса эътиборимизни тортди: маҳаллада уйда ўтириб тикувчилик, қандолатчилик қилиб, яхшигина даромад топаётган тадбиркор бекалар ҳам талайгина экан. Бошланғич ташкилот аъзоси, фидойи педагог Ҳалима Йўлдошева олиб бораётган иш эса, ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. У маҳалла болалари учун бепул "Она тилим — жону дилим" тўгарагини очиб, уларни ўзбек тилининг сирли оламига олиб кирмоқда. Бу ерда ўқувчилар тил ва адабиётга оид қонун-қоидаларни пухта ўзлаштириб, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришаяпти.

Ҳомийлар кўмаги билан кўпқаватли уйлар тагида болалар ўйингоҳлари барпо этилди, эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолганлари эса таъмирланди.

Опанинг саъй-ҳаракатлари билан ҳомийлар жалб қилиниб, маҳалла гузари қурилиши бошлаб юборилди. Ҳадемай, бу ерда маҳалла идораси, тўй ва маросимлар учун зал ҳамда ўзбекона чойхона иш бошлайди. Мустақиллик байрами арафасида унинг очилиш маросими ўтказилиб, маҳалла аҳлига тақдим этилади.

Бир сўз билан айтганда, Бектемир туманидаги икки маҳалла ва улардаги партия фаоллари амалга ошираётган ишларни кўриб, O'zLiDeP Дастуридаги устувор вазифалардан бири — аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ошириш, турмуш даражасини юксалтириш бўйича ўрнак олса арзигулик тажриба юзага келганининг гувоҳи бўлдик.

ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ -

ХАЛҚ БАНКИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Азиз юртдошлар!
Айёмингиз муборак бўлсин.
Қадриятлари тикланиб,
ўзлигини бутун дунёга баралла
намоён этаётган Ўзбекистонимизнинг
обрў-эътибори янада ортиб,
салоҳияти йилдан-йилга юксалаверсин.
Дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз
ижобат бўлсин.**

O'ZBEKISTON TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»

Ёпиқ акциядорлик жамияти -
«Ўзбекистон - Туркия қўшма банки»
(Ўт-банк) жамоаси қардош ва жондош
Ўзбекистон фуқароларини улуғ айём -
мустақилликнинг 15 йиллиги
байрами билан самимий қутлайди.
Айёмингиз муборак бўлсин,
азиз қардошлар!



«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
Истиқлол байрами билан чин дилдан қутлайди.
Меҳнасевар, қўли гул халқимизнинг яратувчилик ва
бунёдкорлик жабҳасида эришаётган ютуқлари тобора кўпайиб,
юртимиз кундан-кун чирой очаверсин!
Ҳар бир хонадонга тинчлик ва омонлик, файзу барака,
бахт-саодат тилаймиз.

ҚУТЛОВ

«BUXORO TELEKOM»
«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ
«БУХОРОТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

серқуёш Ўзбекистоннинг барча фуқароларини азиз ва мўътабар байрам - Мустақиллик куни билан чин дилдан қутлайди. Суюкли Ватанимиз, мард ва танти халқимизнинг жаҳондаги обрўйига обрў қўшилаверсин, довруғи довонлар ошаверсин!

15 ЙИЛЛИГИ

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСК
БУХОРО ВИЛОЯТ ДИРЕКЦИЯСИ

Азиз юртдошлар!
Сизларни барчамиз учун энг азиз ва қадрли байрам - Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклаймиз. Мамлакатимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингиз янада унумли бўлсин! Ишингизга ривож, касб-корингизга барака тилаймиз.

IPOTEKA BANK

Озод ва обод юртнинг истиқлол шукуҳи ўзгача

Мустақилликнинг 15 йиллиги муборак, Азиз юртдошлар!

www.ipotekabank.uz

ЎзР МБ №74 сонли лицензияси

АЁЛ фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

НУҚТАИ НАЗАР

ФРАНЦИЯ

Социалистлар инқирозининг асоратлари

ёки Францияда президентлик сайловигача бошланган ихтилофлар хусусида

Францияда Европадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатадиган президентлик сайловолди кампанияси бошланиб кетди. Бугун жаҳон оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги энг машҳур сиёсатчи ва давлат раҳбари лавозимига муносиб номзодлардан бири Сеголен Руояль сайловолди дастурини тақдим этиш орқали сайловолди кампаниясига йўл очиб берганини ёзмоқда.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

У ўз дастурини "Франция яқинлашиб келаётган демократик инқилоб" деб атади. Курашнинг бу қадар эрта бошланиши Сеголен хонимнинг мансуб социалистик партия ичида рақиблари устидан ғалаба қозониш хоҳиши билан боғлиқлиги аниқ. Зеро, ўтказилган ижтимоий сўровларга кўра, у сайловда ҳукмрон партия вакили, мамлакат ички ишлар вазири Никол Саркозини мағлуб этиши мумкин. Бироқ бунинг учун Руаялнинг партиядошлари фитна уюштирмаса бўлгани.

52 яшар социалист Сеголен хоним Франжи-ан-Брес қишлоқчасида ўтказилган партиявий митингда "Франция ишламаяпти. Бу ҳаммага аён. Бироқ 2007 йилда биз Франциянинг яна оёққа туриб олишини истаймиз. Биз мамлакатни янада кўтаришимиз керак. Бу бизнинг мажбуриятимиз, қарзимиздир", — дея хитоб қилди. Таҳлилчиларнинг фикрича, Франциядаги энг машҳур сиёсатчи аёл рақибларига қарши чақириқ ташлаб, ўзининг сайловолди дастурини халққа биринчи бўлиб тақдим этди.

Сеголен Руояль сиёсий платформасининг асоси ҳукуматни танқид қилишга таянади. Унинг бош шиори "Ҳукуматни фуқаролар олдида янада масъулиятлироқ бўлишга чорловчи демократик инқилоб"дир. Дарвоқе, у ҳокимиятни танқид қилар экан, бўлғуси рақиби Никол Саркози, президент Жак Ширак ва бош вазир Доминик де Вильпенни ҳам ҳокимиятнинг маълум бир қисми сифатида тилга олиб ўтди. Бу — табиий ҳол. Негаки, ҳозирги иқтисодий турғунлик шароитида ҳокимиятни танқид қилган ва буни асослаб берган сиёсий куч вакилигина зафар қучади. Аслида икки бўлғуси рақиб ўртасида сўз жанги бошланганига анча бўлди. Руояль уйсиз одамлар ноқонуний истиқомат қилаётган ташландиқ бинони тозалаш бўйича олиб борилган махсус операцияни очиқчасига танқид қила олган ягона сиёсатчидир. Мазкур бинодан паноҳ топган муҳожирларнинг мамлакатдан чиқариб юборилиши сиёсатчининг эътирозига сабаб бўлди. Руояль хоним ТВ камералари қаршисида муҳожирларни тинтув қилиш операциясини сайлов йўлида инсоний қиёфасини йўқотган ички ишлар вазирининг ноинсоний хатти-ҳаракати, деб баҳолади. Бироқ ички ишлар вазири ҳам рақибини Францияни ноқонуний муҳожирлар билан тўлдириб юбориш хоҳишида айблади. Қизиғи шундаки, шу пайтгача муҳожирлар оқимига қарши бўлиб келган жамоатчилик Саркозини эмас, Руояль хонимни қўллаб-қувватлади. Ifop poll компанияси ўтказган сўнгги сўровга қараганда, агар президентлик сайловлари шу бугун ўтказилганида, ички ишлар вазири Сеголен Руоялга ютқазган бўларди. Бироқ қолган сиёсатчиларнинг Саркозига ютқазишлари аниқ.

Бундан бир йил муқаддам ҳам Франциядаги сиёсий вазият мўътадиллиги билан ажралиб турар, маълум иқтисодий қийинчиликлар эвазига омма орасидаги обрўйи, бироз бўлса-да, тушиб кетган амалдаги президент Жак Ширак ўрнини Никол Саркози эгаллаши хусусида тахминлар мавжуд эди. Чунки жаноб Саркози, бир томондан, ҳукмрон Халқ кўпчилиги учун иттифоқ партиясининг етакчиси, ҳукуматнинг энг ёркин аъзоси бўлса, иккинчи томондан, ўзининг президентга нисбатан муносабати унча яхши эмаслигини яширмаган сиёсатчи ҳисобланади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, яқин кунларгача бирон-бир номзод Саркози билан тенглаша олишни хаёлига ҳам келтирмаган. Жак Ширакнинг барча кадрлари — Ален Жуюппе, Жан Пьер Раффарен ва Доминик де Вильпен турли можароларга аралашиб қолгани боис президент бўлиш имкониятини бой бердилар. Социалистик партияда ҳам вазият унчалик яхши эмас. Улар 2002 йилги карахтликдан сўнг ўзларини ўнглай олганларича йўқ. Ўшанда социалистлар вакили Лионель Жоспен президент Ширак ва миллий фронт етакчиси Жан Мари Ле Пенга имкониятни бой берган ҳолда сайловларнинг иккинчи босқичига ҳам ўтолмаганди. Евроконституцияга оид ўтган йилги референдум ҳам социалистик партия инқирозини чуқурлаштириб юборди. Улар етакчиси Франсуа Оланд аҳолини конституция учун овоз беришга чақирган бўлса, партиядаги иккинчи шахс — Лоран Фабиуснинг қарши чиқиши оқибатида сиёсий куч парчаланди. Парокандалик Сеголен Руояль жамоатчилик эътиборига тушгунига қадар давом этди. Шу йил бошларига қадар хоним фаол социалист бўлса ҳам, машҳур сиёсатчи эмасди. У 1990 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кейинроқ таълим вазири лавозимларида ишлаган. 2004 йилда Руояль йирик Пуату-Шарант минтақасида ўтказилган президентлик сайловларида ғалаба қозонди. Дарвоқе, партиядошлари орасида Сеголен хоним социалистларнинг ҳозирги етакчиси Франсуа Оланднинг узоқ йиллик дўсти сифатида ном қозонган. Улар никоҳдан ўтмаган бўлсалар-да, 70-йилларнинг охиридан бошлаб бирга яшашмоқда (ҳозир уларнинг тўрт нафар фарзанди бор).

Руаялнинг сиёсат майдонига дадил кириб келиши имижининг кескин ўзгариши билан боғлиқлигини бугун шарҳловчилар эътироф этишмоқда. У ўтган йили соч турмаги, кийиниш услубини ўзгартирган ва нотекис тишларини тўғрилаб, кўзойнагини буткул ечиб ташлаб ҳаммани ҳайратда қолдирган. Кузатувчилар унинг бу жиҳатларини Хиллари Клинтонга ўхшатишди. Турмуш ўртоғи АҚШ президенти этиб сайланишидан илгарироқ машҳур адвокат сочини бўяган, кўзойнагини линзага алмаштирганди. Лекин уларнинг фарқли жиҳати шундаки, Клинтон хоним турмуш ўртоғига йўл берган бўлса, Сеголен, аксинча, мансабни турмуш ўртоғидан афзал кўрди. Ўтган йилнинг кўз фаслида Paris Match журналига берган интервьюсида у кўпчилик учун кутилмаганда президентлик учун кураш олиб боришини эълон қилди. Орадан икки ой ўтиб, социологик сўровлар Руояль хоним мамлакатдаги энг машҳур сиёсатчига айланганини исботлади. Рейтингда унинг турмуш ўртоғи фақат 8-ўрин билан кифояланди.

Тўғри, Францияда президентлик сайлови келгуси йилнинг ёз фаслида бўлиб ўтади. Бироқ Сеголен Руаялнинг ҳозирдан ҳужумга ўтгани тасодиф эмас. Яъни яқин кунларда социалистик партиянинг анъанавий қурултойи бўлиб ўтади ва унда президентлик сайловларига номзод илгари суриш жараёнлари бошланади. Шунинг учун ҳам Сеголен Руояль биринчилардан бўлиб давлат раҳбари лавозими учун ариза берди. Демакки, партиядошлари билан руҳий курашда дастлабки ғалабани қўлга кирита олди. Бундан эса партиядаги ички сиёсий кураш жиддий кечиши кутилмоқда. Жамоатчилик учун Сеголен Руояль муносиб номзод ҳисобланиши мумкин. Бироқ партия арбоблари бошқача фикрдалар. Социалистлар ичида президентлик сайлови кунларини орзиқиб кутаётган қатор муросасиз сиёсатчилар борлигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Улар орасида партиядаги иккинчи шахс — Лоран Фабиус ажралиб туради. 1990 йилнинг ўрталарида у Франция тарихидаги энг ёш бош вазир бўлди ва энди ўзининг зафар онлари келган, деб ҳисобламоқда. Француз оммавий ахборот воситаларининг тахмин қилишларича, социалистик партия ичида номзодлар масаласида қарама-қаршилик авж олган. Лоран Фабиус бошчилигидаги фахрийлар гуруҳи Сеголен Руаялдан бошқа ҳар қандай номзодни илгари суришга тайёрдир. Бунинг учун улар олдида иккита йўл бор. Биринчиси — собиқ бош вазир Лионель Жоспеннинг номзодини танлаш. У 2002 йили социалистлар томонидан илгари сурилган бўлиб, мағлубиятга учрагани туфайли сиёсатдан узоқлашганди. Унинг қайтиши кучлар нисбатига ўзгартиш киритиши ва Руояль хоним тарафдорлари сонининг камайишига олиб келиши мумкин. Иккинчи йўл бундан-да ғалати тус олиши аниқ. Социалистлар партиянинг биринчи котиби Франсуа Оланд номзодини илгари суришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин у ҳанузгача рафиқасининг ниятларини изоҳламаган ва у билан рақобатлашмаслигини таъкидлаган эди. Ўз навбатида Руояль хоним ҳам болаларининг отаси билан рақобатга киришолмаслигини таъкидлаганини ҳисобга олсак, Оланднинг сиёсий курашга кириш эҳтимоли пайдо бўлади.

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

АҚШ ва Жанубий Корея қўшинлари қўшма машғулот ўтказишига Шимолий Корея раҳбарияти кескин муносабат билдириб, ҳатто "огоҳлантирувчи ҳужум"га ўтиш билан ҳам таҳдид қилди. КХДР расмий ахборот агентлиги "Америка ва корейс армияларининг бундай машғулотлари Пхеньянга қарши расман уруш эълон қилиш билан тенг", — дея баёнот берди.

Пхеньян саросимада

"Шимолий Корея халқ армияси ўзи учун зарур деб ҳисоблаган пайтда душманга огоҳлантирувчи ҳужум очишга тайёр. Машғулотлар ўтказиш 1950-1953 йиллардаги икки корейс давлати ўртасида бўлган урушни тўхтатиш бўйича имзоланган битимга зиддир," дейилади унда.

Душанба куни АҚШ ва Жанубий Корея ҳарбийлари ҳар йили ўтказиладиган қўшма ҳарбий машғулотларни бошлаб юбордилар. Машғулотлар 1975 йилдан буён ўтказиб келинади ва ҳар йили Корея Халқ Демократик Республикаси буни тинчликнинг бузилиши, дея баҳолайди. Лекин ҳозир, Ғарб ва КХДР ўртасидаги муносабатлар жуда кескинлашган бир пайтда, минтақа тинчлиги хавф остида қолиши мумкин.

РОССИЯ

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг маълум қилишича, россиялик олим Григорий Перельман математика оламидаги энг олий мукофот — Fields Medalдан воз кечди. Олим Мадридда ўтаётган Бутунжаҳон математиклар конгрессида иштирок этишдан бош тортди.

Камтар олим кашфиёти

Математиклар ҳамжамияти бутун XX аср мобайнида ечими топилмаган Пуанкаре гипотезасини Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги филиали илмий ходими Григорий Перельман ҳал этди, деган ягона фикрга келди. Илм оламида камтарлиги ва беғаразлиги билан ном чиқарган олим 2002 йилда АҚШдаги Клэй математика институти мукофотидан ҳам воз кечганди. Ўшанда институт еттита "мингйиллик муаммоси"ни аниқлаб, улар ечимини топганларга 1 миллион долларлик мукофот таъсис этганди.

Математикларнинг ҳисоблашларича, Перельман француз математиги, физиги ва файласуфи Жюль Анри Пуанкаре томонидан ишлаб чиқилган муаммонинг ечимини топган. Маълум бўлишича, XX асрнинг энг буюк олимлари ушбу масала устида беҳуда бош қотиришган экан. Аввалига Перельман интернетда ўз мақолаларини чоп этаркан, бу масаланинг қисман ва умумий ечими, дея баҳолади. Лекин дунёнинг энг мўътабар фан давраларида кенг муҳокамага сабаб бўлаётган Перельман ечимидан ҳеч ким нуқсон ва камчилик топгани йўқ.

АҚШ

АҚШ Сенатида иммиграция тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинаяпти. The Washington Post газетасининг маълумотига кўра, агар ушбу қонун кучга киритилса, уни амалга ошириш учун 126 миллиард доллар миқдорида маблағ керак бўлади.

126 млрд. долларга тушаётган қонун

Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларича, янги иммиграция қоидаларига кўра, қонунийлаштирилган келгиндиларга ижтимоий тўловлар учун тахминан 50 млрд., Мексика билан чегараларни мустаҳкамлаш учун 4 млрд. доллар талаб қилинади. Бундан ташқари, иммиграция ва чегара хизматлари ходимлари сонини яна 30 мингтага кўпайтириш ва юқори малакали кадрларни жалб этиш дастурини амалга ошириш учун ҳам катта миқдорда маблағ зарур.

Бундай қонун лойиҳасига тарафдорлар ҳам, қаршилар ҳам ўзларини ҳақ деб билиб, жиддий баҳс-мунозаралар олиб бормоқдалар. Қонун лойиҳаси 2006 йил май ойида Сенат томонидан маъқулланган эди. Бироқ Вакиллар палатасидаги республикачилар фракцияси унинг қабул қилинишига қарши чиқмоқдалар. Бунинг ўрнига Республикачилар партияси Сенат таклиф этаётган лойиҳанинг жанубий чегараларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ қисминигина қўллаб-қувватламоқда.

ТАҚДИР

ИРОҚ

Мункиз ал Фиравн Саддам Ҳусайнга қарши

Бағдодда Саддам Ҳусайн устидан кечаётган суднинг иккинчи жараёни бошланди. Илгари шиаларга зўравонлик қилгани учун трибунал олдида жавоб берган собиқ президент бу гал курдларга нисбатан қирғин уюштиришда айбланаётир. Шу йил охиригача давом этадиган янги жараённинг биринчисига қараганда кескинроқ ўтиши кутилмоқда.

Гулноза ЮСУПОВА

Бош айбланувчи аввалгидек суд мажлисларини бойқот қилиш тактикасидан воз кечиб, мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш учун ўн минглаб курдларни ўлдирганлигини исботлаш ниятида. Янги суд жараёнининг биринчи мажлисини очар экан, прокурор Мункиз ал Фиравн Ироқнинг собиқ президенти режими 182 минг нафар курдни йўқ қилишда айбланаётганлигини айтди. Прокурорнинг фикрича, курдларни турли ўқотар қуроллар ёрдамида бартараф этишган, зўрлашган, чўлга олиб бориб қўйиб, ўлимга маҳкум этишган. Айблов томони судга ҳалок бўлганлар ва биродарлик қабрларининг фотосуратларини тақдим этди.

Биринчи суд жараёнида Саддам Ҳусайн ва унинг етти нафар сафдоши 1982 йили ад Дужайл қишлоғида 148 нафар шиани қатл этишда айбланганди. Мазкур иш бўйича трибунал қарорининг шу йил октябрь ойида эълон қилиниши кутиляпти. Ушбу жиноят учун собиқ президентга дорга осиш йўли билан қатл этиш ҳукми эълон қилиниши мумкин. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, янги суд жараёни чоғида Саддамнинг 1987-1988 йиллардаги янада даҳшатлироқ воқеалар учун жавоб беришига тўғри келади. Бу ўринда Ироқ шимолидаги кенг қамровли "Анфаль" деб аталмиш жазо операцияси ҳақида сўз бормоқда. Ўшанда курдлар мамлакатдаги ички сиёсий вазият ҳамда Эрон ва Ироқ урушидан фойдаланиб, мустақил давлат тузишга уринишда айбланган эдилар. Курдлар яшайдиган ҳудудларда "тартиб ўрнатиш"да Саддам Ҳусайннинг буйруғига кўра унинг амакиваччаси, "кимёвий Али" номи билан машҳур генерал Али Ҳасан ал Мажид катта роль ўйнаган. У Ироқ режимига номаъқул бўлган курдларга қарши заҳарли газ ишлатган. Бу галги трибунал гувоҳларнинг кўплиги билан олдингисидан фарқ қилади. Кузатувчиларнинг фикрича, ўн минглаб курдларни ўлдирилганини исботлашга ҳожат йўқ. Чунки одамлар заҳарловчи моддалар ва бомба зарбалари ёрдамида ваҳшийларча ўлдирилганини жаҳон ҳамжамияти жуда яхши билади ва айбланувчиларнинг ўзлари ҳам буни инкор этмасликлари аниқ. Афтидан, адвокатлар Саддам Ҳусайн ва унинг сафдошлари мамлакатнинг олий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кескин чоралар кўришга мажбур бўлишганини баҳона қилишлари мумкин. Дарҳақиқат, ўша пайтда йирик давлатлар қутқуси ва аралашуви билан Ироқ шимолидаги курдлар истиқомат қиладиган минтақа марказдан ажралиб чиқиш ҳаракатига тушиб қолганди.

СЎНГГИ САҲИФА

ҲАЁТ ҳаракатни талаб қилади

ПРОФЕССИОНАЛ РИНГ

БОКС

Жон Руис Руслани кутаяпти

Агар ташкилотчи промоутерлар ўртасида давом этаётган музокаралар ижобий якун топса, профессионал боксниг ашаддий ишқибозлари шу йилнинг тахминан октябрь ойида ўзбекистонлик таниқли чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаев (21 та ғалаба ва 1 та дуранг, 17 та нокаут) ҳамда жаҳоннинг собиқ (2 карра) чемпиони, пуэрто-риколик Жон Руис (41 та ғалаба, 6 та мағлубият, 1 та дуранг, 28 та нокаут) ўртасидаги ғоят қизиқарли жангнинг гувоҳи бўладилар.

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

Август ойининг бошида Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) раҳбарияти энг оғир вазн бўйича жаҳоннинг мутлақ чемпиони — россиялик Николай Валуевга (унинг ўз унвонини ҳимоя қилиш учун ўтказиладиган жангга) муносиб рақиб танлаб олиш мақсадида юқорида тилга олинган боксчиларнинг промоутерлари — америкалик Дон Кинг ва германиялик Клаус-Питер Колга 12 раундлик Руис — Чагаев учрашувини ташкиллаштириш кўрсатмасини берганди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тегишли йўналиш бўйича жаҳон рейтингининг иккинчи поғонасини эгаллаб турган Р.Чагаев томони, яъни германиялик промоутер ва менежерлар WBAнинг жангни ўтказиш ҳақидаги таклифига ҳали расман жавоб беришмаган бўлсаларда, мазкур рўйхатнинг биринчи поғонасидан ўрин олган "Индамас" лақабли Ж. Руис бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. "Менинг камарим ҳозир Валуевга тегишли бўлиб турибди. Мақсадим — уни қайтариб олиш, — деди ҳамюртимиз билан жанг қилишга розилик билдирган Руис. — Асосий даъвогар номини қўлга киритиш учун бошқа йўл бўлмагани учун кўп ўйлаб ўтирмай, Чагаев билан рингда учрашиш таклифини қабул қилдим. Валуевга келсак, Николай, ўйлашимча, мен билан жанг қилмоқчи эмас. Сабаби — иккимиз ҳал қилувчи жангда тўқнаш келганимизда, у мени ҳакамларнинг нохолис хулосалари ёрдами билан ютган эди. Гапимнинг исботи сифатида ўша жанг тугагач, узоқ муддат ҳуштак чалган мухлислар стадионни норози кайфиятда тарк этганларини айтиб ўтишим мумкин".

Учрашувнинг қаерда бўлиб ўтиши ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Зеро, жанг Германияда ўтказилса, Русланнинг ғалаба қозониш имконияти ортиши турган гап. Бироқ чемпионликка даъвогар боксчи АҚШ рингларининг бирида аниқланадиган бўлса, бу ҳолат Руисга қўл келиши аниқ.

Шу ўринда ҳали ўтказилиш-ўтказилмаслиги номаълум бўлган жанг ҳақидаги турли-туман фикр-мулоҳазалар одамни ажаблантирадиган даражада кўпайиб кетганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, баъзи мутахассисларнинг фикрича, Руисни чемпион қилишдан қайсидир маънода манфаатдор бўлган WBA "ўтиш жанги" учун энг содда номзод ҳисобланган Русланга атайлаб нисбатан кучсиз рақибларни (Вирчис, Спротт) рўбарў қилиб, уни иккинчи ўринга чиқариб қўйган. Бошқалар эса, аксинча, машҳур Дон Кинг Руиснинг ғалабаси учун у даражада кўп бош қотирмаётганини, унинг асосий нияти Русланга промоутерлик қилиш эканини таъкидлашмоқда. Аммо ким ўз мақсадига қачон эришишини вақт кўрсатади.

САЛОМАТЛИК

энг,энг,энг...

Ким кўп чекади?

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотида (ЖССТ) тарқатилган маълумотларга кўра, Мўғулистон аҳолиси дунёдаги энг кўп чекувчи халқ экан.

Жумладан, мазкур мамлакатдаги балоғат ёшига етганларнинг 67,8 фоизи кашанда ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича (ЖССТ АҚШ ва Россиядаги чекувчилар ҳақида маълумот бермаган), "кучли бешлик"ка Хитой (66,9 фоиз), Кения (66,8 фоиз), Камбожа (66 фоиз) ва Намибия (65 фоиз) кирган. Собиқ иттифоқ республикаларидан Арманистон энг "юқори", яъни 6-ўринни эгаллаган бўлса (64 фоиз), яна ўнта мамлакат қуйидаги поғоналарни банд этган: Қозоғистон ва Қирғизистон (13-14- ўринлар, 60 фоиз), Беларусь (23-ўрин, 54,9 фоиз), Украина ва Литва (30-31-ўринлар, 51,1 фоиз), Латвия ва Ўзбекистон (35-37-ўринлар, 49 фоиз), Эстония (47-ўрин, 44 фоиз), Озарбойжон (85-ўрин, 32 фоиз), Туркманистон (95-ўрин, 27 фоиз).

Бир кунда чекиладиган сигарет бўйича олинган маълумотларга кўра, биринчи ўринни кунига ўртача 8,6 дона сигарет чекадиган Греция аҳолиси банд этган. Бу борада катта кўрсаткичга эга беш мамлакат қаторидан эса Болгария (7,7), Япония (6,8), Босния (6,4) ва Словения (6,2) жой олган.

Шу ўринда яқинда АҚШ ҳукумати 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб тамаки маҳсулотлари қутиларига "light" (енгил, юмшоқ), "ultra light" (ўта юмшоқ) каби сўзларни жойлаштиришни ман қилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундан бирмунча муддат аввал мамлакатнинг Федерал суди ана шу қонунбузарликка доир очилган ишни кўриб чиқиб, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бир нечта йирик компанияни истеъмолчиларга чекишнинг соғлиққа зарари тўғрисида нотўғри маълумотларни тарғиб қилганликда айбдор, деб топганди.

Винни-Пух саксонда!

Британиялик ёзувчи Алан Александр Милннинг эндиликда саксонни уриб қўйган персонажи Винни-Пух ёш ўқувчиларга 1925 йилда London Evening News газетасида босилган "Нотўғри арилар" ҳикояси орқали таништирилганди.

Салкам икки ойдан сўнг Винни-Пухнинг яна бир санани нишонлаши кутилмоқда. 2006 йил 14 октябрда мазкур қаҳрамон ва унинг дўстлари ҳақидаги биринчи китоб босилиб чиққанига саксон йил тўлади. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача китоб 40 дан ортиқ тилга таржима қилинган.

ОБ-ҲАВО

24-30 август

Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, дам олиш кунларига қадар республикамизнинг деярли барча ҳудудлари бўйича ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, шанбадан бошлаб то байрам кунларигача эса бирмунча пасайиши кутилмоқда.

Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда кечаси **20-22**, кундузи **40-42** даражани ташкил этган ҳаво ҳарорати кечаси **16-19**, кундузи **34-37** даражагача тушиб кетади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида деярли бир хил об-ҳаво кузатилиб, даставвал кечаси **21-22**, кундузи **39-41**, янги ҳафтадан эса кечаси **17-19**, кундузи эса **33-36** даража қайд этилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида термометр кечаси **14-19**, кундузи **32-37** даражани кўрсатади.

Тошкентда ҳам бирданига исиб кетган ҳаво бир-икки кундан сўнг салқинлашади. Ҳарорат кечаси **18-22,** кундузи **34-39** даража атрофида бўлади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

28 август - 3 сентябрь

ҚЎЙ. Келаси ҳафтада тижоратчи ҳамда катта-кичик лойиҳаларни молиялашни мўлжал қилиб қўйган сармоядор "қўй"ларнинг иши "беш" бўлиши кутилмоқда. Ойнинг 30-санасини уйда — оилангиз даврасида ўтказинг. Акс ҳолда, хунук оқибатларни келтириб чиқарувчи вазиятга тушиб қолишингиз мумкин.

БУЗОҚ. Шундоқ ҳам олқишларга сазовор бўлаётган ҳаракатларингизни янада фаоллаштиришга эришасиз. Соғлиғингиз ва турмуш тарзингиз яхшиланади. Манфаатли таклифларнинг кўплигидан эса, бошингиз айланиб қолади.

ЭГИЗАКЛАР. Раҳбариятнинг талабларини бажариш мақсадида ёзнинг сўнгги кунларида тиним билмай ҳаракат қилиб, иш жойингизда кескин ўзгартиришларни амалга оширасиз. Шундай бўлса-да, соғлиғингизга эътибор бериб юринг. Акс ҳолда, бор куч-қувватингиздан айрилиб қолишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафта давомида ҳаётингизнинг ҳар куни такрорланадиган жиҳатларини янгилашга ҳаракат қилинг. 28-31 август оралиғида содир бўладиган келишув, музокара ва сафарлар айнан сизнинг фойдангизга ҳал бўлади.

АРСЛОН. Рақибларингизнинг кирдикорлари оқибатида ҳафтанинг биринчи ярмида бир неча марта тўсиқларга учраб, қоқилишга мажбур бўласиз. Аммо сентябрь ойининг дастлабки кунидан бошлаб молиявий ва шахсий ҳаётингиздаги ижобий ўзгаришлар натижасида кайфиятингиз яна аъло даражага кўтарилади.

ПАРИЗОД. Ҳафта ҳар томонлама омадли келади. Ижодкорлар кўпдан бери ўйлаб юрган лойиҳаларига қўл урсалар, деҳқонлар мўл ҳосил олишга муваффақ бўладилар.

ТАРОЗИ. Иложи борича шов-шувга сабаб бўлувчи жараёнлардан йироқроқ юринг. Кейинга қолдириб бўлмайдиган ишларингизни эса шаҳар ташқарисидаги осойишта дала-ҳовлингизда давом эттиринг. Спорт билан мунтазам шуғулланиб, янги мавсумни бошлаб берадиган куз фаслига ҳозирлик кўринг.

ЧАЁН. Режалаштирган ишларингизнинг аксариятини ақлий салоҳиятингиз ёрдамида бажаришга эришасиз. Бирон-бир тадбир ўтказмоқчи ёки учрашув белгиламоқчи бўлсангиз, 29 августни танлаганингиз маъқул. Зеро, юлдузларнинг "айтишича", шу куни омад ва бахт сизнинг тарафингизда бўлади.

ЎҚОТАР. Ойнинг охирги кунларида катта даромад ваъда қилувчи бегона одамларнинг шубҳали таклифларига ишониб, чув тушиб юрмасангиз бўлди. У ёғига марра — сизники. Сентябрь сизни бағрини очиб кутиб олишга тайёр.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ёз бўйи тўпланган чарчоғингизни чиқариш мақсадида сайру саёҳат қилишингиз, ундан кейин эса ҳаётнинг турли соҳалари бўйича янгиликлар яратишингиз кутилмоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қиласиз.

ҚОВҒА. Ҳафта бошида яқинларингиз билан чиқишолмай, анча асабийлашишга мажбур бўласиз. Кўп ўтмай, муносабатлар яхшиланиб, ҳатто собиқ аразчиларингиз билан ҳамкорликда ишлаб, катта ютуқларга эришасиз. Аммо эндиликда, ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўласиз.

БАЛИҚ. Кейинги ҳафта сабрнинг таги — сара олтин эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз. Сабаби — кучли ирода ва матонат сизни шуҳратнинг энг юқори чўққисига олиб чиқади. Сентябрь ойининг дастлабки кунларида ўзингиз ва яқинларингиз учун янги кийимлар харид қиласиз.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ,
Ш. РАҲИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1057
Тираж: 11156

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иктимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz
© «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси О`zLiDeP Урганч шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари **Мадраҳим Отахонович СОДИКОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕКЛАМА

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваруннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz